

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА № 137 (832).
1993 йил.
Сотува арзи нархда.

«ЎЗБЕКИСТОНИЛИКЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ. СИЗНИНГ РЕСПУБЛИКАНГИЗ СОБИҚ ИТТИФОҚ ҲУДУДИДАГИ ЭНГ ОСОЙИШТА ДАВЛАТДИР»

Аркадий ВОЛЬСКИЙ.



СУРАТДА: Матбуот конференцияси пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган
сурат.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Исро Каримов билан Сановатчилар ва ишбилармонлар ҳалқаро уюшмасининг президенти А. Вольский 13 июль кунги оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбари йирик сановат корхоналари, концентрал раҳбарларини билдириб, ҳужалик алоқаларини тайинлашга ва мустақамлашга кўмаклашган бу уюшма фаолиятини кўпдан буён қўзғатганлигини айтди.

Исро Каримов уюшма ўзаро алоқаларини ривожлантириш асосий вазифа деб билдирганлигини алоҳида таъкидлади. Бу — ўзаро манфаатли муносабатларга олиб борадиган бирдан-бир маърифий йўлди.

Аркадий Вольский журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, уларнинг эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг беш принципини қаратди. Олга сурилган дастур фақат ҳаётини бўлиб қўймай, қатта давлатнинг бозор муносабатларига оғир асосат-сиз ўтишига қаролат беради, деди у.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотда сиебат иқтисодий устидан ҳуқуқий қилмаётганлиги айниқса муҳимдир, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар устидан собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларидаги каби зуравонлик йўқ.

Аркадий Вольский Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш библиотекасига борди, республиканинг қатта сановат корхоналари раҳбарлари ва ишбилармонлари билан учрашди. Бу учрашувда нима ҳақда гап борди?

Миллий ахборот агентлиги мухбири Л. Левиннинг бу саволга Сановатчи ва ишбилармонлар халқаро уюшмасининг президенти бундай жавоб қилди: «Ўзбекистонликларга ҳавасим келади. Уларнинг турмушида барқарор ва кутимланган воқеалар йўқ. Россияликлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Сизнинг республиканинг собиқ иттифоқ ҳудудидан энг осойишта давлатдир. Бу ерда кўпгина муаммолар мавжудлиги ҳам тўшунарли. Шу боис мен Россия билан Ўзбекистондаги чинакам маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида ишончли алоқани йўлга қўйиш учун бу ерга келдим. Мисол учун олганда, Тошкент авиасозлари олдида турган мураккаб масалалар Украина, Молдова ва Россиядаги масалаларга ўхшабди. Рухсатномалар, икхизматномалар, бошқоналар ишловда бўлиб келди. Булар беҳуда нарсалар. Улар мавжуд экан, иқтисодий ривожлантириш, қийинчиликларни бартараф этиш мумкин эмас. Ўзбекистон раҳбарияти бу муаммоларга катта эътибор бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз Тошкентда ҳеч қандай ҳужжатни имзолаганимиз йўқ. Бу ерга келишимдан мақсад бошқача — ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйишдан иборат. Чунки биз собиқ иттифоқдаги деярли барча

минтақалар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини ҳимоя қилдимиз. Хуллас, Ўзбекистонга сафаримиз самаралигина эмас, кўп жиҳатдан нобратли ҳам бўлди». Табиқки, журналистларнинг республикалар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб масаласи ҳам қизиқтирмай қолмади. Чунки, бу — ҳозирги энг ўткир муаммолардан биридир. Исро Каримов лўнда қилиб: «Бундай вазият давом этиши мумкин эмас, бирор томоннинг зуравонлиги йўқ бўлиб бўлмайди», деди.

Аркадий Вольскийнинг фикри эса бундай: «Сиебат иқтисодийдан устун туршиш мумкин эмас ва устун бўла олмайдиган ҳам. Афсуски, Россиянинг ўзида сиебат устунлиги қилмоқда. Миллионлаб одамлар ишлаётган минглаб корхоналарни тўхтатиб қўйиш мумкин эмас! Бу аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида бевоқоф алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Аниқ шу чора мавжуд тўхтиларни бартараф этиш олади».

И. Каримов билан А. Вольский оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан бошқа саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир И. Абдуллоҳов, Муталов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари А. Возненко, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимов иштирок этидилар. (ЎзА).

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИГА ҲАМХҲҲҲҲ

Вазирлар Маҳкамасида республика ҳукуматининг «Ўзбекистон — Туркия лицейларини ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш тadbирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганига бағишланган кенгаш бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Сўзга чиққанлар республикада очилган дастлабки лицейларнинг фаолияти самарали бўлганини таъкидлади. Уларда ферзандларимизга таълим-тарбия бериш, ўқитишда қўлла-қўлланган замонавий усуллар, амалга оширилаётган тadbирлар натижаси бу хайрли ишда янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Янги йўла йилидан Ўзбекистонда яна 11 та лицей очилади, уларга ҳам Туркиянинг «Сили эйтим» тасислари ишлатма ва тижорат аномали ширкати» ҳомийлик қилади. Шу муносабат билан республикада «Халқ сўзи» таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Коррекциянинг республикаси вазирлар кенгаши, вилот ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Енгил сановат ассоциацияси, бир қанча компания ва ташкилотлар иштирокида амалга оширишга тadbирлар ишлаб чиқилгани айтилди.

Кенгашда Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорбаев, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Рисканов қатнашди. (ЎзА).

Долзарб мавзуда суҳбат

Амалий натижалар пайти келди...

Поиттат амволатдаги Тошкент туманида эллиқдан ортиқ фермер ҳўжаликлари ишлаб турибди. Ҳусусий мулк эгаси бўлишни хоҳлаган собиқ колхозчилар қорамол сотиб олиб, парварши қила бошлади. Ишбилармонлик йўлига ўтган бу одамлар фақат ўз кучига ва тажрибасига таяниб иш қилиш позициясини эҳшим аниглаб олишди. Туман ҳокимлиги ва ҳокимнинг ўзи улар учун ишончли қаролатга айланди. Ҳокимнинг тобора ривожланиб бораётган фермерлик ҳаракатини иқтисодий тағилқидан чиқишининг бирдан бир тўғри йўли, деб ҳисоблайди.

Республика Миллий ахборот агентлигининг мухбири Л. Левин ва П. Нишонов Тошкент туманининг ҳокими Р. Акбаров билан бу ерда иқтисодий ислохотини амалга ошириш юзасидан қандай стратегия ва тактика татбиқ олинигани, ислохотини амалга оширишга қандай муаммолар тўқилгани қилаётгани ҳақида суҳбатлашдилар.



— Рустам ака, сизнинг Тошкент тумани ҳокимлигига сайланишингиз кўп одамлар учун кутимлағини воқеа бўлди. Кўп йиллар давомида республикадаги энг яхши жамоа ҳўжалигига раҳбарлик қилиб келдингиз. Бу ҳўжалик намунали, айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг

ўзига хос «кўзгуси» эди. Ҳокимликка сайланганингиздан сўнг янги ташвишлар бошланди... — Айтганларингизга шуни қўшимча қиламанки, Акбаровга республика раҳбарлари ҳомийлик қилди, деганлар ҳам кўп эди. Илгари Карл Маркс номи берилган бу ҳўжаликка собиқ иттифоқ раҳбарлари, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган раҳбарлар тас-тас қилишарди. Бош-қилиқларнинг юзидан ерга қаратмаслик учун ўзига хос намунали социалистик ҳўжаликни барпо этиш лозим бўлган, дейишарди. Бундай уйдирмаларга ҳамиша: қишлоғимизга келинг, хоҳлаган қилишингиз билан оқиқ гапланинг, дер эдим. Биз

2. Нима десам экан, биз, кексалар ёшларнинг дуои жонини қилиб яшаймиз. Давлатимизнинг халқпарварлигини кўриб, шу кунларга етказгани учун яратганга қамду сановат айтиб, раҳбарларнинг сийҳатини тилаб юрибмиз. Мен 50 йил масриф соҳасида меҳнат қилдим. Кўзимнинг нури, қил-бимнинг қурини бошларга бағишладим. Мана ёнди кексалар қил-бимнинг сурмоқ-дамай. Саккиз нафар ферзандимнинг ҳаммаси улий-жойли бўлиб, ўзи билан ўзи тинчиб кетган.

Кўча-кўйда юрган такасалтанларнинг қўриб, гурурини қийнаб кетади. Қанийди буз ингит бўлсаму енгил-елли эмас, ёшимга ярашқилик қатта-қатта ишларни қилсам бўлади. Тўғриси, ора-мида мустақиллигини қорин тўйин билан ўлаётганлар ҳам топилиб туради. Биз, кексалар мана шундай қи-пишлари, ёшларни ватанини сенишга, миллий қадриятларини қадрлашга ўргатишимиз, ўнгити насихат беришимиз керак...

3. Қадимги ананаларимиз, миллий қадриятларимиз тиланмоқда. Келажакда Ўзбекистоннинг фақат ўзига хос бўлган миллийлигини намоён этиб турадиган, мадания, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатга айланишини озу қиламан. Ишончим қомилки, бунга эришамиз. Биро, давлатимизнинг, халқимизнинг мустақиллигини мустақамлаш йўлида олиб бораётган ишлар буюк давлатга айланишимиздан далолат бериб турибди.

Ҳақидаги кўрсатмаларига асосан бу йил ўтган йилга нисбатан галла майдонлари 20 фоизга кўпайтирилди. Галладан мўл ҳосил яратишда унинг ҳарид нархини ошириш, ҳамда шу соҳа меҳнатқилларининг Республика курултойи ва унда қабул қилинган мувожаат алоҳида аҳамият касб этди. Давлатга маҳсулот топшириш қизғин давом этапти. Ҳосилдан бўшаган майдонларга зудлик билан маккажўрчи, сабзавот ва бошқа турдаги енгил-елликлар экиллади.

Набижон СОВИР.



ТИЛ БИЛГАН ЭЛ ТАНИЙДИ

ИКИНЧИ ЮЗГА яқин ўзбек болалари турй тилини қай даражада ўрган-галарини амалда синаб кўриш учун Туркияга йўнал кетишди.

ТОШКЕНТ. Самарқанд, Фарғона, Наманган, Бухоро, Урганч ва Нукус шаҳарларида ҳусусий турк лицейларида таҳсил қўраётган бу болаларнинг Туркияга сафарини ўзига хос амалий машғулот дейиш мумкин. Улар 9 августга Туркияда бўлиб, қардошлар юртининг диққатга сазовор жойларини ҳам зиярат қиладилар.

ТОЛАДАН КИЙИМ-КЕЧАККАЧА

НАВАҲОР туманида қўрилаётган ўзбек-италия қўшма корхонаси пахта толасини илга, илни эса галламга айлантиради ва пировадарда таёёр қилиб-кечак тикадиган бўлади.

КОРХОНА ишга тушган, йилга 12 тонна толадан ил йигиради. 150 нафар маҳаллий аҳоли ишли бўлади. Кейинчалик корхонада газмол тўқиш ва кийим-кечак тикиш йўлига қўйлади.

ГУЛИСТОНДА ЯПОН ТЕЛЕВИЗОРИ ЧИҚАДИ

«СИРДАР» савдо уйи Хитойнинг «Дзедун» компанияси билан қўшма корхона қўриш юзасидан шартнома тузди.

ЗАМОНАВИЙ технология асосида ишлаб-диган корхона ишга тушди. Қўшма маҳингтофлар ишлаб-иқарилди. Янги йилдан бошлаб кўнига савдога чинайилган 45-50 тонна телевизор ва видеомагнитофоннинг нархи анча арзон бўлади. Шартномага кўра корхона топдиган фонддан томонлар тенг бўлинишидан на беш йилдан сўнг корхона «Сирдар» савдо уйига қўлади.

ҲЎЖАЛИК ФЕРМАСИ ЧОРВАДОРНИКИ ВЎЛДИ

ОЛТИНҚҮЛ туманидаги «Ҳанқат» жамоа ҳўжалиги фермаси «Сардор» ҳиссдорлик жамиятига айлантирилди.

СУРУНҚАЛИ зарар келтирётган ферма ҳақиқий эгаларини топган, ишлар қўришиб кетди, сут, гўшт қўлайди. Ферманинг 30 чорвадор ўртасида, тақсимланган бор мол-мулки ўн йилдан сўнг бутунлай улар иқтирида қолди.

ҚАРШИДА ТУРК ЛИЦЕИ

ШАҲАРДА очилаётган бу лицей ўрта мактабнинг 6-8-синфларини битирган болаларга мўлжалланган.

ТУРКИЯДАН келган муаллимлар болаларни тест сивонидан ўтказиб ўқишга қабул қилишмоқда. Мақсад — қўшмалик ўқувчилардан энг қўйилтиларини танилаб олиш.

ОЙНА СИНИГИ ЧИҚИТ ЭМАС

СИНАП ойналарини ташлаб юбориш одат бўлиб келган. Бироқ улар ўд-дабурон ишлар қўлига тушса, қўшма қувончлиқ тушбичим буюмларга айланади.

ҲЎЖАЛИК туманидаги Ойбек номида жамоа ҳўжалиги ҳудудида яқинда иш бошлаган «Коинот» қишлоқ корхонасида ана шундай қўли гул усталав меҳнат қилишди. Шу пайтгача чиқит сифатида ташлаб юбориладиган ойна синиқларини улар қўлида гулдону мураббо яддишларига, қантдону турли соғва буюмларига айлантирмоқда.

ИНСТИТУТГА — ИМТИҲОНСИЗ

ЎЗБЕКИСТОН давлат жисмоний тарбия институтига бўлиб ўтган таътилни учрашув чоғида бир гуруҳ спортчи ёшларга олий имтиҳонга қабул қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома топширилди.

ЎРТА мактабларини битирган 75 нафар бу йилгит қизлар йилги халқаро мусобабаларда қатнашиб, дурустгина шунга кўрсатган спортчиларидир. Улар орасида йилгитдан ийб спорт тури шакллари бор. Бу битиручиларнинг институтга кириш имтиҳонларини тест сивоналарисиз қабул қилинганлиги бонус шунда.

ЯНГИЛИКЛАР

Мустақиллик — ТАҚДИРИМИЗДА

1. Истиқлол сизнинг тақдирингизда қандай аҳамият касб этмоқда?
2. Мустақиллигимизни мустақамлашга қўшаётган ҳиссамиздан қўнглингиз тўладими?
3. Ўзбекистоннинг қаламатини қандай орзу қиласиз?



Носир ГОФУРОВ, Тошкент шаҳри «Қизил дехқон» маҳалласидан, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, шахсий пессонер:

1. Маскидлар эшиги очилди, жаноза ўқининг қув-гин қилинишни тарих бўлиб қолди. Тарихий адолат-сизилларга барҳам берилиб, номлари пок бўлган қўлаб ота-боболаримизнинг миллат ва ватан манфаати

йўлида қилган хизматлари, қўрашлари ўзининг адолатли баҳосини ола бошлади. Маҳаллаларга эътибор кучайди. Булар диний, иқтисодий, тарихий масалалардир. Эҳ-ҳе, мустақилликка эришганимиздан буён яна қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлиб-на бўлмоқда.

Энг улкан бахтимиз сиеб-сий мустақамлалик зан-жирларини ўзиб ташлаганамиз — ўз эркимизни қўлга қирғитганимизда ақс-эмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Ўзбекистоннинг Давлат байроғи тенглар ичра тенг қилинраб турибди. Бундан ортиқ фахр борми. Мустақиллигини бирор бир моддий бойлик билан ўлаб бўлмайди. Озодлик — бе-баҳо бойлигимиз бўлган халқимиз қатори меннинг ҳаётимни ҳам фараҳлаш қилди. 130 йил камситиб келинган гуруримиз тик-ланади-ю, биз бахтиёр бўл-май ким бахтиёр бўлиш!

Фарғона вилот агро-новат комплекси ходимлари, дехқонларнинг жуда катта меҳнати, фидокорлиги ту-файли галлани ўриб олиш ва даялатга топшириш режа-си республикада биринчи бўлиб адо этилди.

Йилнинг бу улкан гала-баси ҳурматли Президентимиз Исро Каримовнинг қатор фармонлари, кўрсатма-ларини турмушга оғишмай татбиқ қилиш самараси бўл-ди. Табиат нижиқилари

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳу-зуридаги Давлат назорати комитетининг иқтисодий ис-лохотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат эти-чи республика жамоат комис-сиси кенгаши бўлиб ўтди. «Самарқанд вилотида иқтисод-ий ислохотнинг бориши: муаммо ва ечимлар» мавзудаги бу анжуманда Ўзбеки-стон Президенти дедони, Олий Кенгаш ва Вазирлар

Маҳкамаси ходимлари, вилот, айрим шаҳар ва ту-ман ҳокимликлари раҳбар-лари, давлат божхона ва ҳу-сусийлаштириш комитетлари, ҳуқуқий муҳофиза қилиш идоралари, турли ташкилот, корхона ва ҳўжаликларнинг вакиллари қатнашди.

Кенгаши республика жа-моат комиссияси раиси, Дав-лат назорати комитети раи-сининг ўринбосари Б. Раҳ-монов очди. Сўзга чиққанлар вилотида иқтисодий ислохот-

ни жадаллаштириш, тadbир-корлик ва тақий иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ҳокимлар билан тadbир-корлар ўртасидаги ҳамкор-лиқни, банк ва божхона хиз-матини яхшилаш масалала-рига эътиборни қаратдилар. Кенгаш қатнашчилари Самарқанд шаҳри ва Ургант туманида тadbиркорлик фа-олиятини ривожлантириш бо-расидаги ишлар билан та-нишди. (ЎзА).

Ўзбекистон матбуоти журнали 75 ёшда

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» ЖУРНАЛИНИНГ ЖАМОАСИГА

Жаҳон жамоатчилигининг эътироф эти-лирича, касблар ичда хатарлики жи-ҳатдан ҳарбий учувчилик биринчи, матба-ачилик — журналистлик иккинчи ўринда тураркан. Шунинг учун ҳам улар дунёда энг кам умр кўрувчи касб соҳалари си-фатида тан олинган. Бироқ бу ҳақиқатини қар бир жамият, ҳар қандай давр ҳам та-овлармаган, қадрайвермаган.

«Ўзбекистон матбуоти» ўзқ йиллар да-вомида ана шундай машаққатли соҳа и-шларини унутлаб, уларнинг шодлиғи қўсончиларга, дарду ҳасратларига шерик бўла олган, ўқувчиларини бу оғир касб мушкулларига, сир-асрорларидан қаба-дор қилиб келаятган оқсоқол журнал

сифатида биланми. Жамоа айни кунлар-да ҳам дунюматимизнинг, республикамиз мустақиллиги учун фидойи матбаачи ва журналистларини тарбиялаб етиштиришдаги сиебати ва ғамхўрлигини тўғри аниглаб, кў-таринки руҳ билан ижод қилаётганини биз ҳақикатларини қўсонтиради.

Журналининг 75 йиллик тўян муносабати билан унинг ажойиб, ақил жамоасига си-ҳат-саломатлик, улкан ижодий муваффа-қиятлар тилаймиз.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ва «НАРОДНОЕ СЛОВО» газеталарининг таҳрир даъватлари.

(Журналининг 75 йиллигига бағишланган мақолаларни 3-бетда ўқисиз).

«Ўзбекистон матбуоти» журнали-75 ёшда

Ю К С А К С А О Д А Т

1918 йил, 13 июлда «Туркистон матбачиси» («Туркистонский печатник») номи билан дунё юзини кўрган «Ўзбекистон матбуоти» журнали 75 ёшга қадам қўйди. Унинг босиб ўтган йил республикамиз матбуотининг ривожланиши тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Замоннинг зайли, давр тақдоси билан номи бир неча бор ўзгариб борган бўлса ҳам 75 йил мобайнида журнал асосан матбуот ходимларига, журналистлар, мухбирлар, шоирлар ва матбачиларга минбар ва уларнинг ишларига мунаввар қўзғу бўлиб хизмат қилди. Тарихан шаклланиб йўли ва маънасини сақлаб қолди, ўз мухлисларининг чуқур эътиромига сазовор бўлди, қаламқаш ва матбачиларнинг йўлдошигина эмас, балки яқин дўсти, маслаҳатчиси ва мураббийсига айланди. Қалам аҳли — мухбирлар, ёш қаламқашлар учун ўзига хос ижодкорлик мактабини ўтати, уларнинг қалбига мухбирликка ҳаёс — ишнинг уйғотди, журналистлик касбига интилиш учун чўғ солиди, шоир ва матбачи бўлиб етишишга ундади. Ундаб талантли журналистларнинг қалами шу мартабда чарқиланди, маҳорати шу мартабда тобланиди.

Республикамиз вақтли матбуотининг энг кеска, мўсафид насларидан бири бўлган, ўзининг 75 йиллик «ўйини» мафкура жабҳасининг толмас курашчиси сифатида кутуб олаётган журналистларнинг ўсиб, улғайиб, камолот қўқисига чиқиб олишига, ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатининг ривож топишига оғина бўлса ҳам ўз ҳиссасини қўшиб, матбуот, маърифат ва маданият жарчиси бўлишга интилиш, газета, журнал ва нашриётларга истеъдодли кадрлар етказиб беришда ёрдам берди.

Марврий келган оқан журнал тарихига бир назар ташлайдик. Туркистон матбуот ходимларининг ўлка совети наслар этган «Туркистон матбачиси» журнали 20 бет ҳажмида ойда икки марта ўзбек ва рус тилларида чiqиб турар эди. Ҳуқуқлар уруши шароитида журнал узоқ йашамади. Қўроз, маблағ етишмаслиги сабабли 12-сондан кейин чiqмай қолди ва 1919 йили уни нашр этиш вақтинча тўхтатилди. Лекин Туркистон КП Марказий Комитети, Туркистон Марказий Иқтисодий Комитети ва ВЦИС-нинг Туркистон бюроси наслар бўлган «Туркистонская правда» газетаси 1924 йилининг январидан ўзининг иловаси сифатида ҳар ҳафтада бир марта «Наш рабор» журналини нашр эта бошлади. Бу журнал 1924 йилнинг октябрга, яъни миллий тараққийлашнинг «Туркистонская правда» газетасининг номи «Правда Востока» деб ўзгаририлган вақтгача чiqиб турди. Ун биринчи сонидан кейин уни чiqариш тўхтатилди.

«Туркистон матбачиси» («Туркистонский печатник») журналининг давомчиси ҳисобланган бу насларлар сиёсий қурашлар авж олган ўша суронли йилларда пайдо бўлган ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатининг ривожланишига, мухбирларнинг сабот-матонатини, ишчи ва деҳқонлар ишига садоқатини тоблантириб тарбиялашда катта роль ўйнади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатини кенгайтириш, Ўзбек матбуот ходимларининг таъбиладар катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини олиб боради. 1926 йил 21 ноябрда Тошкентда унинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида 200 дан ортиқ делегат қатнашган миллий матбуот йиғилиши бўлиб ўтди.

буллетенини нашр эта бошлади.

Олтиминчи йилларда маҳаллий матбуотнинг, айниқса, район газеталари, босма хоналарнинг қўлайи, кенгайиб, ривожланиб бораётганлиги, Ўзбекистон Давлат матбуот комитетининг ташкил этилиши, Журналистлар союзининг камол топиши, союз аъзолари қўлайи бораётганлиги, ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатининг ўсиши, журналист кадрлар, шоирлар ва матбачиларнинг ўқитиш, тайёрлаш ва тарбиялаш масалалари, китоб савдоси ва матбуотнинг бошқа муҳим муаммолари шу соҳадаги ишларини ёритиб бораётган ойллик журнал нашр этилишини таъқоз этмоқда эди. Ана шуларнинг инновати олиб Ўзбекистон КП Марказий Комитети 1925 йилининг январини давом эттириб келди ва 1969 йилининг январидан ойда бир марта чiqадиган ижтимоий-сиёсий «Мухбир» —

бу журнал «Туркистон матбачиси» («Туркистонский печатник») бошлаб берган ишнинг давом этириб келди ва 1969 йилининг январидан ойда бир марта чiqадиган ижтимоий-сиёсий «Мухбир» —

бу журнал «Туркистон матбачиси» («Туркистонский печатник») бошлаб берган ишнинг давом этириб келди ва 1969 йилининг январидан ойда бир марта чiqадиган ижтимоий-сиёсий «Мухбир» —

кенгайтиришга ҳаракат қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий, маънавий ва социал соҳаларда демократияни янада чуқурлаштириш, иқтисодий Ислохотин амалга оширишга доир фаолиятини таҳлил қилиб, жумҳурият матбуоти ишини қайта қуриш мақсадида 1990 йил сентябрь ойда махсус қарор қабул қилган эди. Шу қарорга мувофиқ рус

наслар, радио ва телевидениенинг, матбачиликнинг республикамизда равнақи, мустақиллигининг, мустақамлаш, миллий истиқлол мафкуразини яратиб борасида олиб бораётган хайрли ишларини, дидил надаларини мунтазаб ёритиб боришни муқаддас бурчи, асосий вазифаси деб билмоқда.

Матбуот ишига бутун умрини бахшида этган заҳматқаш, забардаст қалам соҳибларининг, баркамол истеъдод эгаларининг, серғайрат, эйрирак, ташаббускор, фидойи ва талантли журналистлар ва матбачиларнинг портретларига чизилган чизиб берилмоқда. Матбуотимиз таянчи ҳисобланган ишчи-деҳқон мухбирларининг хатлари ёш ижодкорларнинг ижоддан намуналар; қўлга қалам ўслаган қаламқашларнинг ўсиши, газета атрофига қислашиб бораётганлиги ҳақидаги қизиқарли хабар ва лавҳалар «Сўз ишчи-деҳқон мухбирларига», «Иланиш клуби» ва «Ўқувчиларнинг» руҳани остида журнал саҳифасидан муносиб ўрин олмади.

Журналистларнинг одоби, пок маънавий қиёфаси, юксак маданият-муомаласи, нуқтаи назари, редакциядаги ижодий муҳит қандайлиги, журналист ва мухбирларнинг ўз иш жойида тутган ўрни, ҳули-автори, ҳақиқийлиги доимо журналистларнинг диққат марказида турибди. Радио тўғрисида ва телевидение кўрсатишларида фалок қатнашиб, жонбозлик кўрсатган телерадиокомпаниянинг жонқуяр ходимлари, нашриёт, матбос ва китоб савдосининг фидоикор кишилари тўғрисида, эртага ҳаммасларини бўлиб ишга келадиган ТошДу журналистика факультетини талабалари ҳақида мақолалар чоп этилмоқда.

«Ўзбекистон матбуоти» журнали журналистлар, шоирлар, матбачилар, телерадио ходимлари ва мухбирлар ҳақида ёзилган, газета-журнали, шоирчилик ва матбачилик соҳасининг муаммоларига, журналист-кадрлар тайёрлаш масаласига кенг ўрин берадиган, Давлат матбуот қўмитаси Телерадиокомпанияси корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳамда Журналистлар уюшмасининг ишларини ёритиб бораётган аякка-ягона матбуот нашридир. Лекин, гапнинг очигини айтадиган бўлсак, матбуот ва телерадиога юксак талаблар қўйилмаётган ҳозирги пайтда журналистлар саҳифаларида муштарийларимизни ҳамма вақт ҳам мамун этадиган қизиқарли ва принципал мақолалар бериб бораётганмиш. Кўтарилмаган, теша тегмаган мавзулар кўп, тилга олинмаган фикр-мулоҳазалар, гаплар ҳали анчагина.

Матбуот, радио ва телевидение

ни чiqишларининг таъсирчанлигини ва журналистик маҳоратини янада ошириш, редакцияларда ижодий муҳит яратиб, улардаги ишчи-деҳқон мухбирларининг бошқаларга ибрат бўлгулик ҳаёт, яхшилик ёки эъзафти, техникаси ва обуначиларга етиб бориши, газеталар билан учрашиб туршиш ва уларнинг фикрини билиш каби масалалар баён қилинган хабар ва мақолаларга жуда муҳтожми.

Хўрматли Президентимиз Исрол Каримовнинг Фармони билан матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг истиқлол роляларини тарғиб этиш, янги демократик жамият қуриш, аҳолини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги хизматлари эътироф этилиб, ҳар йили 27-июнь — Ўзбек матбуотининг қалдирғочи «Тараққий» газетасининг илк сони чiqқан кун матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунини деб байрам қилинадиган бўлди. Ўз байрамимизнинг махсус Фармон билан алоҳида белгилашни матбуот ходимларига кўрсатилмаётган буюк ғамхўрлик намунасиндир. Бу Фармон, Президентимизнинг байрам муносабати билан юрган таъбири ва 1993 йил 1-июлдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қалам ҳақининг оширилиши матбуотчиларга ғайратга яна ғайрат қўшиб юборди.

Ўзининг 75 йиллигини 1992 йилнинг 2-апрелида байрам қилган Шарқ матбуотининг тўғрисида — «Правда Востока» газетаси, Туркистон заминиде тўғрисида Ўзбек тилида чiqқан қалдирғок газетанинг бири — Самарқанд вилоятининг «Зарафшон» газетаси ва Ўзбек миллий матбуотининг байроқдорлари ҳисобланган «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик муқорат саналаридан сўнг «Ўзбекистон матбуоти» журнали ҳам Ўзининг 75 йиллигини нишонламоқда. Бу бизнинг кичик ижодий жамоамизда, ишчимизда кўпма бераётган мухбирларимиз, матбачиларимизда, жонқуяр фаолларимизда чексиз фахрланиш туйғуларини уйғотди, юбилейларини ўтказган отахон газеталаримизнинг таърих ижодий жамоаларида тарқиб топган бой ва хайрли аънаваларига муносиб ворислик қилиб ишлаш иштиёқини тугдирди.

Истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил ва олға бораётган мустақил республикамизнинг шон ва шухратини тарғиб қилишда, матбуотимиз соҳмасида янги ва ёрқин саҳифалар битиш биз учун юксак саодатдир.

Зиёд ЕСЕНБОВ,
«Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири.

• Тиббиётимиз фидойилари

Сарҳисоб бекати

Исон ҳаётдаги қўлу саналарини бекатларга ўшатиш мумкин. Киши ўзининг чеккига тушган умр сўмоғидан иштиқо томон кетиб борар экан, ана шундай қўламни «Бекатларда бир зум нафас ростлаб, ортига боқиб, ўтган умрини сарҳисоб қилади. Чинаривлакан ҳулоса эса унинг келажакда қай тариха яшашини белгиловчи асосий мезон бўлиши шубҳасиз.

Бу ҳақида ўйлаганимда, бир шоир дўстимнинг «Тикил, азизим, тикилгин, бекатларда қўлиб кетмайлик» деган юракча яқин сатрлари бот-бот ҳаёлимдан кечаверади. Дарҳақиқат, одамлар «Бекатларда» қўлиб кетмаслик учун югуриб-елишади, «тиқилгин вагонларга» ўзларини уришади. Вақт — вагонлар эса бешафқат. У биз билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Ўшқилар бир лаҳза очилиб-епилганда чиқолсанг, марра сенки, борди-ю, улгурмай, кимсасиз бекатда қўлиб кетсанг, ўзингдан ўқала, илҳомининг сўроқла. Демак, тенда нимадир етишмайди.

Лекин шуниси ҳам борки, киши «Бекат»ни ортада қолдирар экан, у ерда ўзидан бирор бир ёлғорлик (айтайлик, бошқаларга ибрат бўлгулик ҳаёт, яхшилик ёки эъзафти) қолдириб улгурмиши керак экан. Токи «Бекат»да унинг ўрни доимо сезилиб турсин, келгуси авлодлар фахр ва ғурур билан ёлга олсинлар. Аммо, ёруғ дунёга не учун келганини аниқлаб ета олмадиган, исзиз ўтиб кетганлар камми орамизда? Буналлардан худонинг ўзи асрасин...

Қандай доврғу чор тарафга кетган Тошкентдаги Н. А. Семашко номидаги тасма-матликини тиклаш ва физиотерапия илмий-текириш институтини директори, профессор Карим Йўлдошев билан суҳбатлашиб ўтириб, қизик бир гап ҳаёлимдан кечди.

Халқимизда «олим бўлма, одам бўл» деган ҳикматилик нақд бор. Албатта, ҳалоллик, инсонийлик ҳар қандай махсаб унвонлардан-да юқори турадиган улғу тушуна. Бунга шак-шубҳа йўқ. Лекин бутун биз уни сал ўзгартириб: «олим ва одам бўл» дея талқин этмоқчимиз. Негаки, Каримжон ака яна шу иккала сифатни ҳам ўзиде мукаммаллаштира олган инсондир. Бунга ҳавас қилса арзийди.

Каримжон Йўлдошев 1957 йили Тошкент тиббиёт институтини тугатган. Сирдарё вилоятининг қўрғон Комсомол районидеги қишлоқ касалхонасида бош врачлик вазифасида ўз фаолиятини бошлади. Қишлоқда ишлаш эса осон эмасди. Беморларга пахтазору дала шийпонларида ҳам тиббий хизмат кўрсатишга тўғри келарди. Ўзининг устига, касалхоналардаги шарт-шароитлар рисоладегдек эмас, мавжуд тиббиёт асбоб-ускуналари таъбир билан жавоб бермасди. Энди, у замонларини ўзининг бизга, собиқ «Марказ» бекатдан фақат пахта талаб қилар, уларнинг аҳволи билан деярли қизиқмас эди.

Ана шундай оғир бир шароитда ёш, серғайрат шифокор одамлар соғлигини йўлида қўлдан келганча ҳаракат қилди, елиб-югурди.

Биринчи беморим — ёшгина йигитни жуда яхши эслайман, — дея хотирлайди Каримжон ака. — У мотикчилдан йиқилди, оғир тан жароҳати олган, аҳволи ниҳоятда оғир эди. Бош суяги бутунлай мажмакланиб кетган экан. Ҳаётини сақлаб қўлиш учун икки кун тинимсиз курашдим. Аммо қанча ҳаракат қилмай, бекатга йиғит жуда мураккаб, тиббиёт тили билан айтганда, шон ҳолатидан чиқа олмай дунёдан кўз юмди. Бу фожеадан бир неча кун ўтган, шифоконга бир ҳомиладор аёлни келтиришди. Қўли ёригач, тинимсиз кун кетаверди. Минг афсуски, барча ҳаракатларимиз наф бермади. У ҳам қийнала-қийнала жон берди. Мен ўшанда тиббиётнинг оқиллигини, ўзининг ноқоралигини қаттиқ эзил-



Каримжон ака пировардида бундай аялиқ ҳодисаларнинг олдини олиш учун мавжуд тиббиётини ривожлантириб, самардорлигини ошириш лозим, деган фикрга келди. Бунинг учун аввало, ўқиб-ўрганиб, тиббиёт илминини янада чуқурроқ эгаллаш лозим эди. Шу мақсадда ўша пайтларда Иттифокда машҳур бўлган москвали академик Касирский хабарчилар қилган тиббий кафедранинг сиртки бўлимида малакасини оширди. Шундан сўнг кўп йиллик заҳматли изланишлар натижасида номзолини, докторлик диссертацияларини ёзлашга эришди.

Айтиш мумкинки, Каримжон ака тиббиёт илми ботида ўзига хос мактаб яратган. Бутунини кунда республикамизнинг турли чеккалариде фаолият кўрсатаётган қўлаб шифокор-олимлар у кишини устоз деб билишади.

Олиб борган илмий изланишлари эса йигирмача яқин монография, тўрт юздан зиёд мақола, китоблари ҳамда қўлаб илмий тўплам ва қўлабмақолада ўз аксини топаган. Каримжон ака клиник медицинанинг бир талай муаммоларини, ички касалликлар ташҳиси ва уларни даволаш, хронологиюлогия ва хрономедицинанинг замонавий жиҳатларини чуқур ўрганди. Ёш шифокорлар учун лозимий қўлабмақола айланган «Терапевтик долар» муаммолари, «Сурнали» қисқалари, «Электро» ва фонокардиография, «Кордиологлар йўлдоши» каби асарлари ана шу изланишлар натижаси ўлароқ юзага келгандир.

Бу ўзбек ўғлини Швеция, Япония, Хундистон, Германия, Франция, Чехословакия каби хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган тиббиётчиларнинг халқаро анжуманлари миёнбараидан туриб ўзини қийнаётган муаммоларни дадил айта олди. Каримжон Йўлдошев аяни давларда Россия Тиббиёт академияси, Ўзбекистон Халқ академияларининг аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган фан арбобиридир.

Шунингдек, у киши Россия ва Ўзбекистондаги қўпгина тиббий журналларнинг тахрир ҳаётига аъзоси ҳамдир. Бутунини кунда эса республика терапевтик илмий жамоасининг раиси ҳамда Тошкент шаҳар кенгашининг депутати сифатида ҳам фаолият юритаётди.

Хуллас, сўрайверсангиз, мактовга аризли сифатлари кўп. Дарвоже, Каримжон ака ақинда олтимши ёшга тулибди. Шуни илюч билан таъкидламоқчиманки, у шунча йиллик умри давомида биз санаб ўтгандан ташқари, яна қўлаб хайрли ишларини амалга оширган. Ўзининг айтишича, ҳали қилиб улгурмаган юмушлари бисёр. Ана шу йўлда худо унга куч-қувват ато этсин...

Ғафур ШЕРМУХАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШГАЧА ГАЗ КЕЛАДИ

Бўз туманидаги «Озод» жамоа хўжалиги бошқарувининг кенгайтирилган йилги иш янги қарор қабул қилди. Ошажонларга ҳомиладорлик учун берилмаган таътил муддати бир ой олдинга сурилди.

Йилги-йилги ички имкониятларини қидириб топаётган бу хўжаликда яқиндаги янги

қишлоқ врачлик амбулаторияси қуриб ишга туширилган эди. Энди замонавий мактаб биносиде таълим олаётган йилги-қизларнинг қўлчалари гўзапон синдириб, кўмир қавламайдиган бўлди. Келаятган йил маъмуриятга қишлоқнинг газлаштириш учун газ қувурлари ётиқаниди.

М. МУРОВО.



Чимён қир-адирлари бағрига жойлашган «Зиёло» саматорийис республикамиздаги бошқа даволовчи оромгоҳлардан ҳавосининг тозаллиги, сувининг пифобохлиги билан ажралаб туради. Фарғона вилояти сува хўжалиги бирлашмасига қарашли бу оромгоҳда ҳар ойда 80 киши саломатлигини тиклаб кетмоқда. Эндиликда бу


ерда яна 60 ўринли янги ниёот қурилиши қизғин давом этапти.

СУРАТЛАРДА: «Зиёло» даволовчи оромгоҳининг аяни кунда меҳнаткашларга хизмат кўрсатаётган ва шу йилнинг охирида ишга туширилиши мўжжаланмаётган биноси акс этган. Вилоят сува хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Йўлбарсов (ўртада) қурилиш иш юритувчиси

А. Аҳмедов, Фарғона туман сува хўжалиги бошлиғи А. Раҳматиллаев, Богдод сува хўжалиги бошлиғи Р. Қодиров, санаторий бош врач У. Латипов билан оромгоҳ янги биносининг тезда қад ростлашни борасида суҳбатлашмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.





Чекки соғлигиниз учун зарарлидир!

Биз чекмайдиганларни чекишга даъват эмасмиз. Лекин чекувчилар сифатли "РИЧМОНД" сигаретларини чекишларини хоҳлаймиз.

Бизнинг Ўзбекистондаги савдо
агентларимиз: "Мунис ЛТД", "Хесо ЛТД"
фирмалари ҳамда "Фриа" фирмаси.

Тўлиқ маълумотларни қуйидаги
манзилдан олишингиз
мумкин: Тошкент,
Катта Миробод кўчаси, 158
(Ивлев, 67),
Табани групп оф компаниз.

Телефонлар: (3712) 32-35-53,
54-06-70,
54-07-98,
55-35-49
Факс: (3712) 54-08-30
Телекс: 116416 TBAИ, SU.



RICHMOND

бошқарувчиси Аббасов,

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЕТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЕТ ЛИЦЕЙИ

1993—1994 ўқув йили учун иқтидорли ўқувчиларни
9—10 синфга ўқишга қабул қилади.

Лицейга 8 ва 9 синфларни «аъло» баҳолар билан ту-
гатган, иқтидорли ўқувчилар конкурс асосида қабул қи-
линади.

Лицейга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим эти-
лади:

- Лицей директори номига ариза;
- Мақтаб педагогик кенгаши тавсияномаси;
- 086-У тиббий маълумотнома;
- Тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида шаходатнома;
- (9 синфга кирувчилар учун 1—8 синфлар табели);
- 3х4 катталикдаги 6 дона фотосурат;

— Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма.
Ҳужжатлар 1 августдан 15 августгача дастлабки суҳ-
батдан ўтгандан сўнг қабул қилинади.

СИНОВЛАР: 16 августдан бошлаб
ЧЕТ ТИЛИ (инглиз, немис, француз) ва
МАТЕМАТИКА
фанларидан ўтказилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, Чилонзор райони, Олмазор
кўчаси, 183.
Телефон: 45-33-51.

Спорт

ЎЗБЕКИСТОН футбол феде-
рациясининг шабёр қилишчи,
чемпионинг бошида «Косонсой»
синга «Косонсой» номи
билан майдонга тушган жамоа
шу йил июль ойидан бошлаб
«Косонсой» дея юритиледиган
булди. Демак, ярим йил ичиде
битта жамоани номи икки
марта ўзгарди.

Лекин бивни янада ҳайрат-

ЖАМОАЛАР НОМИ ЯНА ЎЗГАРДИ

га солгани биринчи лигада тўп
сураётган «Маъданчи» (Бек-
бод) жамоасининг эндиликда
«Металлург» дея юритилиши-
дир. Балки бунинг ўзиге яра-
ша сабаби бордир, бироқ ях-

шигина, ўзбекча номланган
жамоани «Металлург» деб ўз-
гартиришнинг нима ҳолати
бор? Қолаверса, жамоа ном-
ларини тез-тез ўзгартириб ту-

риш, мухлисларни ҳам ҳалит-
япти.

Майли, жамоалар номи ўз-
гарсин, биз мавсум бошида
қандай номланган бўлса у
мавсум охиригача сақланиши
ва жамоа номи иложи борица
ўзбекча бўлиши тарафдоримиз.

ВЕЛОСИПЕД ДОШ БЕРДИ, АММО ПОЙАБЗАЛ...

АГАР бизда ҳам Генни-
нинг рекордлар китоби на-
би қайднома бўлганида са-
марқандлик Шокир Аҳме-
довнинг номи ҳам унга
қайдланган бўларди. Яқинда у
бутун Ўзбекистонда шов-
шувга сабаб бўладиган иш-
га жазм қилди. У ўзининг
«Турист» маркали велосипе-
ди билан республика ҳудуди-
ни 20 кун давомида айланиб
чиқди. Қизиғи шундаки, сав-
ҳат давомида спортчининг
велосипеди бирор марта ҳам
бузилиб, «иниқлик» қил-

маган. Аммо оёғидаги пой-
абзали (красовка) тинимсиз
ҳаракатга дош бермай йир-
тилиб кетган. Сайёҳ йўл да-
вомида ёмғир, кучли жала,
сел тошқинларига дуч кел-
ган. Қашқадарё чуқининг
жазирама иссинга, сувга
чанқоқлик азобига дош бера-
олган. Шунингдек, сав-

ҳатнинг ўзига хос таштини
ҳам тотган. Бағрини кенг
далалар шамолига бериб,
очик ҳавода, юлдузли осмон-
га боқиб ором олган. Қў-
қондан Фарғонагача мазза
қилиб тут, донча еб борган.
Жойларда одамлар ўзбекона
мамнуният билан кутиб олиб,
меҳмон қилишган.

Расул ЖУМАЕВ.

"Авиаброк"



фирмасининг ҳаво агентлиги фан
ва техника ютуқлари, энг замонавий
технология намуналари намойиш этиладиган
ЭКСПО - 93
Бутунжаҳон кўргазмасига таклиф этади.

Кўргазма 7 августдан 7 ноябгача Тэжон
(Корея Республикаси) шаҳрида ўтказилади.
Бундай обрўли кўргазмада Мустақил
Ўзбекистоннинг илмий, амалий ва маданий
доиралари вакиллари биринчи мартаба
иштирок этмоқдалар.

"Авиаброк" фирмасига Бутунжаҳон
кўргазмасига савҳатчилар ва бизнес
гуруҳларини чартер авиарейсари билан
жўнатиш бўйича ташкилий ишларни амалга
ошириш топширилган.
Сиз ЭКСПО - 93 кўргазмасига бориш учун
тайёрданяпсизми?
Биз Сизга ёрдам беришга тайёرمىз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси,
73 "б" (собиқ Полторацкий) "Авиаброк"
биносиде.
Телефонлар: 54-79-39, 54-77-19 (савҳатчилар
ва бизнес гуруҳлари учун). 39-11-87 (амалий
ва маданий доиралар бўйича - ХЙВ).

ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ

1993—1994 ўқув йилида

қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга таклиф этади.

1. «ТАДБИРКОР МЕНЕЖМЕНТ МАГИСТРИ» —
олий маълумотлилар учун.

Ўқишни муваффақиятли тугатганларга тадбиркор ме-
нежмент магистри (бошқарувчи) ихтисослиги берилади.
Чет тили мукамал ўргатилади.

Ўқиш муддати: 2 йил.

Ўқиш усуллари: кундузги, кечки ва сиртдан ўқиш.

2. «ТАДБИРКОР МЕНЕЖМЕНТ» — махсус олий

маълумотлилар учун.

Ўқишни муваффақиятли тугатганларга иккинчи олий

маълумот ҳақида диплом берилади. Ўқиш муддати: 10 ой.

Ўқиш усуллари: кундузги ва кечки.

Ўқишга қабул қилиш — суҳбат асосида.

Ўқилар нулдир.

Манзилгоҳ: Тошкент, Буюк Ипак Йўли, 54.

Маълумотлар учун телефонлар: 67-83-11, 67-15-38.

— Лицей директори номига ариза.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, Чилонзор райони, Олмазор

кўчаси, 183.

Телефон: 45-33-51.

Тошкент нефть маҳсулотлари етказиб бериш, ортиш ва

тақсимлаш корхонаси шунинг маълум қиладики, 1993 йил

5 июндан бошлаб Тошкент нефть маҳсулотларини туши-

риш, тақсимлаш ва ортиш корхонаси тугатилди.

Йиларини Тошкент нефть маҳсулотларини етказиб бе-

риш ва тарқатиш корхонаси Тошкент нефть маҳсулотла-

рини етказиб бериш, ортиш ва тақсимлаш корхонаси, деб

номланди. У тугатилган Тошкент нефть маҳсулотларини

тушириш, тақсимлаш ва ортиш корхонасининг ҳуқуқий

вориси қилиб белгиланди. Ўзтирозлар эълон чиққан кун-

дан бошлаб бир ой ичиде қабул қилинади.

Тошкент Молия институти ва кредит, сиёсий иқтисод

ҳамда бухгалтерия ҳисоби, тафтиш, назорат ва ҳўжалик

фаолиятини таҳлили ихтисосликлари бўйича докторанту-

рага ва аспирантурага (ишлаб чиқаришдан ажралган на

ажралмаган ҳолда) қабул эълон қилади. Ҳужжатлар Тош-

кент шаҳар, Ҳусниддин Асомов кўчаси, 7-уй, ректорат,

2-хонада қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон:

34-53-34.

«Ўзметасабзавотузусланоат» концерни раҳбарияти
жамоаси шу концерн раисининг биринчи ўринбосари
Х. Р. Раҳматуллаевга акаси
Мирзахол РАҲМАТУЛЛАЕВИНинг
нафот этганлиги билан чуқур таъзин билдиради.

Халқ сўзи

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОИҚУЗИЕВ, Эсирган ВОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИ-
ДОВ, Миремал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир
ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлҳамд РИЗАЕВ, Алек-
сандр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИ-
РОВ, Мудаммадхон ҚОРАБОВ, Саидхонро ҲУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир —
Ж. Сафиев, набатчи —
Р. Жумаев.